# O‘ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 16-mart • Seshanba • 31 (30.151) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz


# Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

Сиёсий партияларнинг 2009 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари билан мажлисда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М.Тешабоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Л.Ғуломов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси И.Саифназаров сўзга чиқдилар.

Маърузачилар таъкидладиларки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловлари бўйича муҳим ижтимоий-сиёсий кампанияда фаол иштирок этишлари муносабати билан ўтган йил сиёсий партиялар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. 2009 йил декабрь ва 2010 йил январь ойларида бўлиб ўтган кўппартиявийлик асосидаги эркин, демократик сайловлар натижасида янги чақириқ Олий Мажлиснинг профессионал Қонунчилик палатаси шакллантирилиб, унга мамлакатимиз барча сиёсий кучларининг вакиллари кирдилар. Депутатлар сони 120 нафардан 150 нафарга ошганлиги, парламент ишида Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларининг иштирок этиши янги таркибдаги қуйи палатанинг асосий хусусияти бўлиб, бу депутатлар корпусининг қонун ижодкорлиги салоҳиятини, мамлакатимизда ўтказилаётган кенг миқёсли ислоҳотларни ўз вақтида ҳуқуқий таъминлашга қаратилган, сифат жиҳатидан пухта қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш имкониятини анча оширади.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, миллий қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ сиёсий партиялар фаолиятини ўз вақтида ва тўла молиялаштириш масалаларига давлатимиз, шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг катта эътибори ва ғамхўрлиги туфайли барча даражалардаги ҳокимият вакиллик органлари сайловларига пухта тайёргарлик кўриш ва уларни муваффақиятли ўтказиш, мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш ва Ўзбекистон Республикасининг икки палатали профессионал парламентини собитқадамлик билан мустаҳкамлаш мумкин бўлди.

(Давоми 3-бетда.)

## ЎзХДП: устувор вазифалар







Абдивоси ХАЙДАРОВ олган суратлар.

# ЭНГ МУҲИМИ, БЕРИЛГАН ВАЪДАНИ БАЖАРИШ,

## *электорат ишончини оқлашдир*

Аввал хабар қилганимиздек, 11 март куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг II пленуми бўлиб ўтди. Пленум бугун партия олдида турган энг долзарб вазифалар, куч ва имкониятни электорат манфаатининг ҳимоясига самарали йўналтириш масалаларини муҳокама қилди.

2-бет >>

**Бандлик ва фаровонлик —** эгизак тушунча



> 3

**«Виртуал ўқув лаборатория»** талабага кўмакчими?



> 4

*«...электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий нашрларни партиялараро қизғин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарур».*

# Фракция йиғилиши

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар парламент қуйи палатаси муҳокамасига киритилаётган қатор масалаларни муҳокама этишди.

Дастлаб Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2009 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботи қонунчиликка мувофиқ кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан партия Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломовнинг ахбороти тингланди. Депутатлар партияни молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари, маблағларни самарали сарфлаш масалалари юзасидан саволлар билан мурожаат қилишди, таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартиш киритиш масаласи ҳам фракция эътиборига ҳавола этилди. МСКнинг бир нафар аъзоси Президентимиз фармони билан Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб тайинланди. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси аъзолигидан чиқарилмоқда.

«Шаҳрисабз шаҳрининг чегарасини тасдиқлаш тўғрисида»ги масала юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Тўлқин Турсунов тушунтириш берди. Унинг таъкидлашича, шаҳар аҳолисининг ўсиши, экологик вазият, саноат, транспорт соҳасининг ривожланиши, инфратузилмани янада такомиллаштириш мақсадида унинг чегаралари янгидан тасдиқланмоқда.

Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

**Асли КАМОЛ**

«Наврўз — 2010»

# Боқий ва эзгу анъана

***Мамлакатимизда 13-14 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди***

Наврўз байрами арафасида ҳашар ўтказиш халқимизнинг азалий анъаналардан. Бундай тадбирлар замирида аждодларимизнинг табиатга бўлган беқиёс муҳаббати, эзгу анъаналарни, билим ва тажрибасини келгуси авлодларга мукаммал ҳолда етказишга интилиши ва келажак авлодлар камолоти олдидаги масъуллик ҳисси намоён бўлади.

Ушбу бебаҳо қадриятларимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш истиқлол йилларида маънавий-маърифий жабҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланди. Жумладан, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида умумхалқ ҳашарини ўтказиш ўзига хос анъана тусини олган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 мартда қабул қилинган фармойишига биноан март-апрель ойлари юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди. Ойлик доирасида 13-14 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

3-бет >>




Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат.

## 16 март об-ҳавоси

### Дунё бўйлаб



| | | |
|---|---|---|
| Лондон | — | 12°c |
| Париж | — | 12°c |
| Москва | — | -7°c |
| Мадрид | — | 16°c |
| Пекин | — | 0°c |
| Гонгконг | — | 24°c |
| Рим | — | 14°c |
| Анқара | — | 4°c |
| Токио | — | 20°c |
| Стокгольм | — | -2°c |
| Кейптаун | — | 27°c |
| Қоҳира | — | 19°c |
| Гавана | — | 23°c |
| Вашингтон | — | 10°c |
| Нью йорк | — | 12°c |



### Юртимизда

| | | |
|---|---|---|
| Тошкент | — | 19°c |
| Самарқанд | — | 19°c |
| Нукус | — | 12°c |
| Қарши | — | 22°c |
| Урганч | — | 14°c |
| Навоий | — | 18°c |
| Фарғона | — | 20°c |
| Бухоро | — | 20°c |
| Андижон | — | 16°c |
| Наманган | — | 16°c |
| Термиз | — | 24°c |
| Жиззах | — | 18°c |
| Сирдарё | — | 16°c |
| Тошкент вил. | — | 17°c |

Бу оламда инсон учун эзгу фикр қилиш, эзгу сўз айтиш, эзгу амалларни бажариш чинакам саодатдир. Мустақиллигимизнинг бир йиллиги нишонланаётган кунларда Юртбошимизнинг ана шундай эзгулик йўғрилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб номланган илк китоби босмадан чиқди. Ушбу китобдаги халқимизнинг энг эзгу орзу-умидларини ифодалаган «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган қанотли сўзлари ҳар биримизнинг қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.



М.АМИН (ЎзА) олган сурат.

# ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ!

Муносабат

Куни кеча Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Юртбошимиз онг-шууримизга сингиб кетган қанотли сўзларига тўхталиб шундай дедилар: **«Албатта, табиий бойликлар, иқтисодий салоҳият, давлат ва жамият қурилиши йўлидаги ютуқлар буюк келажакнинг асоси ҳисобланади. Шу билан бирга, буюк келажакнинг бир омили борки — бу ёш авлоднинг саломатлиги, жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб етишишидир».**

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бутун фаолияти эса, ана шу эзгу мақсад-муддаони рўёбга чиқаришга йўналтирилган. Чунки жамғарма томонидан бунёд этилаётган ҳар бир спорт майдончаси ва зали, бассейн, спорт мажмуаси биринчи навбатда болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Тўғри, бу спорт иншоотларида юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган, Ўзбекистон байроғини халқаро мусобақаларда баланд кўтарадиган фидойи спортчиларимиз ҳам камолга етаяпти.

Ҳар бир қаноти бор қуш бургут бўлмаганидай, ҳар бир спорт иншоотига борган бола келажакда жаҳон чемпиони бўлмайди. Лекин спортга ошно тутинган ҳар бир боланинг саломатлиги мустаҳкамланади, соғлом фикрлайди, зарарли иллатлардан йироқ-роқ юради, ҳаётга теран назар ташлайди, ўқишида, ишида барака бўлади. Шунинг учун бежиз «Соғлом танда — соғлом ақл» деб айтишмайди. Зеро, «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридан кўзланган асосий мақсад ҳам юртимизда буюк Ўзбекистоннинг бунёдкорлари бўлмиш ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук қилиб вояга етказишдир.

Бундай шарафли вазифани уддалашга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси салмоқли ҳисса қўшиб келаяпти. 2003-2009 йилларда жамғарма томонидан 1123 спорт мажмуаси, улардан 922 таси қишлоқ жойларида бунёд этилди. 674 та мактабда спорт зали барпо қилиниб, замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланди. Шу ўринда республикамизда 113 хилдаги спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилаётганини алоҳида таъкидлашимиз керак. Болалар ўртасида спортни оммалаштиришда, улар орасидан янги-янги истеъдодларни кашф қилишда жамғарма уюштираётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг ўрни беқиёс.

«Спорт билан мусиқа чамбарчас боғлиқдир. Спорт танани пишитади, чиниқтиради, иродани мустаҳкамлайди, мусиқа — кўнгилни поклайди, руҳни тетиклаштиради. Спорт — бу маданият демакдир. Спортчи мусиқани яхши билса, мусиқачи спорт билан шуғулланса, нақадар яхши».

Юртбошимизнинг бу сўзларини тинглар эканман, яқинда ниҳоясига етган қишки олимпиада кунларида тарқалган бир хабар эсимга тушди. Унда кореялик ва япониялик фигурали учиш усталари ғолибни аниқлаш учун муз устида эркин машқларини бажарганда, Жанубий Корея ва Японияда ҳатто биржаларда савдо тўхтаб қолибди. Барчанинг нигоҳи Ванкувердан берилаётган фигурали учиш мусобақаси телерепортажига қаратилибди. Бу Юртбошимиз таъкидлаган спорт ва мусиқадаги чамбарчасликнинг ёрқин ифодаси, десак, сира мубоsoučaлаға эмас.

Қишки олимпиада ўтаётган вақтда Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Осиё биринчилиги ташкил қилинди. Спорт ва мусиқанинг ажиб гўзаллигини уйғунлаштирган бу мусобақада ўзбек қизи Азиза Мамажонова турли машқларда беш марта Осиё чемпиони бўлганда, шу йил Сингапурда ўтказиладиган I ёшлар олимпиадасига йўлланмани қўлга киритганда, очиғи, ҳар биримиз олимпиада кунларидаги кореялик ёки япониялилардан кам ғурурланганимиз йўқ. Чунки биз дунё эътироф этган ўзбек бадиий гимнастика мактаби юксак марраларга интилаётганини кўрдик. Иқтидорли гимнастикачи қизларимиз ва уларнинг жонкуяр мураббийларига қарата Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини такрорлагим келаяпти: **«Эртанги кун бизники, марра — бизники!»**

Йиғилишда жамғарманинг яна бир эзгу вазифаси — Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида амалга оширган ишлари ҳамда жорий йилдаги режалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Баркамол авлод йили бўлган жорий йилнинг ўзидаёқ 11 та янги спорт иншооти, 40 та мактабда спорт зали, 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд қилиши белгиланди. Бу рақамлар ортида минглаб болаларимизнинг саломатлиги, руҳан тетиклиги, бўлажак ёрқин ғалабалари мужассам эканлигини кўз олдимизга келтириб, жонажон Ўзбекистонимиз буюк келажаги сари яна бир салмоқли қадам қўйди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Асрор МЎМИН**

# Саломатлик қонунига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Конституциявий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасалари вакиллари қатнашдилар.

Тадбирда институт томонидан «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси тегишли вазирлик, идора, вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ фуқаролар йиғинларида қўлланилиши ҳолати юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари атрофлича муҳокама қилинди. Давра суҳбати қатнашчилари ушбу қонунни амалиётда қўллаш механизмларидаги мавжуд хато ва камчиликларга ҳам эътиборни қаратдилар.

— Республикамизда аҳоли саломатлигини сақлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган, — деди ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари мониторинги гуруҳи раҳбари, юридик фанлари номзоди Нуриддин Норматов. — Зеро, 176 та махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан 12 та қонун, Президентимизнинг 33 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 77 та қарори мавжуд. Улар соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, у ёки бу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Мониторинг натижаларига қараганда, ҳали бу борада камчиликлар мавжуд, айниқса, жойларда тиббий муассасалар раҳбару ходимлари орасида қонуннинг туб моҳиятини чуқур англамаслик ҳоллари кузатилди. Шунингдек, ушбу қонунга баъзи ўзгартишлар киритиш кераклиги сезилди. Мониторинг ўтказилган 44 та тиббий муассаса ва ташкилотнинг аксариятида турли камчиликлар аниқланди, масалан, 97 фоиз ҳолатда тиббий хизмат стандартлари ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди, — деди у.

Шунингдек, давра суҳбати қатнашчилари мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини сақлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари, тиббий хизматларнинг замонавий турларини ривожлантириш, бу борада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Тадбир сўнггида ўтказилган мониторинг натижалари юзасидан фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасига доир қонун ҳужжатларини қўллаш механизмларини такомиллаштириш бўйича институт томонидан ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар маъқулланди.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV
Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
16312 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 01.25
2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda




Ш.ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

# «Виртуал ўқув лаборатория»

## талабага яқин кўмакчи, аммо...

Техника асри деб ном олган замонда ёшларимиз компьютер билан бевосита иш олиб бориши табиий. Унинг имкониятлари кенг, таълим жараёнида кўп асқотади.




Айниқса, интернет фойдали, маълумотлар бой ва ранг-баранг. Яна бу тармоқ орқали почта, телефония, бизнес, реклама, ўқув таълим ишлари амалга оширилмоқда. Кундан-кунга ахборотлар манбаи кўпайиб, кўлами кенгайиб бормоқда. Шунга яраша, ундан фойдаланувчилар сони ҳам узлуксиз ошмоқда.

Айрим ёшлар учун интернет бир эрмак бўлса-да, билимнинг қадрига етувчи ва изланувчан йигит-қизлар учун у ахборот манбаидир. Тармоққа мурожаат қилган ҳар бир кишига керакли маълумот, ахборот ёки статистикани топишда интернет сайтлари, яъни веб-саҳифалар хизматга шай туради. Қидирув тизими — махсус веб-саҳифа керакли манбани излаб топишда ёрдам беради. Шунинг учун ҳам юзлаб қидирув тизимлари ичида Rambler, Aport, Yahoo, Google саҳифалари алоҳида қимматга эга. Катта ҳажмдаги ахборот дунёсидан керакли маълумотни топишда бу тизимлар барча учун бирдай қулай. Қидирув тизимларида 4 миллиарддан ортиқ ноёб саҳифалар мавжуд.

Ҳозирги кунда таълимни ахборотлаштириш, бўлажак кадрларнинг ахборот ва коммуникацион технологияларни ўзлаштириш, шунингдек, аниқ фан соҳасида кадрлар тайёрлашни ахборот ва коммуникацион технологиялар воситасида жадаллаштириш мақсадида таълимда бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, соҳага «Виртуал ўқув лаборатория» деган янги атама кириб келди. Виртуал ўқув лаборатория масофавий ўқитиш ғоясига мувофиқ бўлиб, таълим жараёнидаги моддий-техник таъминот муаммоларини оз бўлса-да, камайтиради.

Умуман олганда, интернет орқали масофавий таълимнинг ташкил топиши ва ривожланишига сабаб нима? Кундалик ўқув жараёни шуни кўрсатадики, ёшларнинг таълим потенциалига бўлган талаби ошмоқда. Табиийки, бу ахборот технологияларини тезлик билан ўзлаштиришни талаб этмоқда. Мавжуд манбалардан тез билим олиш, таълимни узлуксиз бойитиб бориш эҳтиёжи шунга замин яратмоқда. Интернет тармоғи ҳамда компьютер технологияларининг ривожланиши, иш жойларидаги фаолиятни компьютер ва компьютер дастурлари орқали бажарилишининг соддалашуви унга йўл очмоқда.

Интернет технологиялари тармоғи фанларни ўзлаштиришда, тармоқ билан мулоқот қилишда, амалий тажриба ва малака оширишда, мустақил таълим ва тадқиқот малакаси шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим соҳасида муайян афзалликлар туғдирмоқда. Биз бу имкониятдан оқилона фойдаланишимиз керак. Лекин у ҳеч вақт китобнинг ўрнини боса олмайди.

Яқинда бир олимнинг интернет ҳозирги ёшларни темир одамга айлантирмоқда, бағритош этиб қўймоқда, деган фикрини ўқидим. Бунда ҳам асос бор. Интернет билан инсоннинг маънавий оламини тугал шакллантириш мумкин эмас. Шу маънода, ёшлар тарбиясида, унда хушхулқ ва сабр-бардош шаклланишида китоб муҳим аҳамиятга эга.

Қолаверса, интернетнинг ҳамма манбалари ҳам ишончли эмас. Маълум маънода юзакичиликка ўргатади, десак ҳам хато бўлмайди. Демак, биз китоб мутолаасини ҳеч вақт унутмаслигимиз керак...

**Дилёра ЭРКИНОВА,**
**Тошкент молия институти талабаси.**

Мамлакатимизда таълим, фан-техника ва технологияларнинг илғор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартлари яратилиб, барча таълим муассасаларининг моддий-техник ва ўқув базасини янада мустаҳкамлаш, янги ўқув қўлланмалари билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

# Бекободлик ёшлар талпинаётган коллеж

Баркамол авлод орзуси

Хусусан, Бекобод техника иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида билимга чанқоқ 1327 нафар йигит-қизга 82 нафар малакали муҳандис педагог ва фан ўқитувчилари таълим-тарбия бериб келишмоқда. Коллежда бухгалтерия иши, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, молия, хўжалик ҳуқуқий фаолияти, солиқлар ва солиққа тортиш, металл кесувчи дастгоҳлар, қора ва рангли металларга ишлов бериш ва прокат ишлаб чиқариш, банк иши, кимёвий технология ва ишлаб чиқариш, автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва созлаш бўйича мутахассислар тайёрланади.

— Мамлакатимизда саноат, молия, банк, ҳамда автомобилсозлик каби соҳалар кундан-кунга жадал суръатларда ривожланиб бораётганлиги боис, бўлажак мутахассислар дунёда ва юртимизда бу соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар ва яратилаётган янгиликлардан хабардор бўлиш билан бирга, пухта билим ва тажрибаларга ҳам эга бўлишлари лозим, — дейди коллеж директори Алишер Дадабоев.

Коллеж реконструкция қилиниб, энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ўқувчилар ўз билимларини амалиётда қўллашлари учун автомобиллар тузилиши, кимёвий технологиялар ишлаб чиқариш, чилангарлик ишлари ҳамда автомобиль ва двигателларга техник хизмат кўрсатишга мослаштирилган махсус устахоналар ёшлар ихтиёрида. Шунингдек, таълим даргоҳида физика, кимё ва биология фанларига мўлжалланган лаборатория хоналари ҳамда 30180 та дарслик ва бадиий адабиётларни ўз ичига олган ахборот-ресурс маркази, интернет тармоғига уланган 2 та компьютер хонаси, хорижий тилларни мукаммал даражада ўргатишга ихтисослашган 4 та лингафон хонаси ўқувчилар билан гавжум.

Бундан ташқари коллеж ўқувчилари устозларидан олган назарий билимларини амалиётда қўллашлари ҳамда ўз мутахассисликлари бўйича чуқурроқ билимга эга бўлишлари учун «Ўзметкомбинат», «Бекободцемент», «Бекободцемремонт», Бекобод шаҳар молия бўлими, Ипотека банк, Халқ банки, Миллий банк, Бекобод АТП ХЖ ҳамда Бекобод шаҳар, туман солиқ инспекциялари каби йирик ташкилот ва корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб келмоқда. Келгусида эса коллеж битирувчиларининг аксарияти мазкур ташкилотларда ўз иш фаолиятини давом эттиришади.

Таълим масканида ҳайдовчиликка ўргатиш машқ майдончаси бўлиб, у ерда турли хил русумдаги, яъни «Дамас», «Тико», «Отайўл» ҳамда юк автомобиллари бор. Бу ерда ўқувчилар автомобилларнинг тузилиши ва уни бошқариш бўйича ҳам назарий, ҳам амалий билим ва кўникмаларни устозларидан ўрганиб, «Б», «С» тоифали профессионал ҳайдовчи бўлиб етишмоқда.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, коллежда 20 га яқин турли хил фан тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, коллеж талабалари турли кўрик-танлов, спорт мусобақалари ва фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олиб келишмоқда.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Яшариш, Яратиш, Янгиланиш



Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.

Жиззах вилоятининг барча аҳолиси ўзи истиқомат қилаётган гўшани обод масканга айлантиришдек эзгу ният билан меҳнат қилаётир. Улар ариқ-зовурларни тозалаб, сув йўлларини тартибга келтириш, кўчатлар ўтқазиб, дов-дарахтларга шакл бериш, янги-янги гулзорлар яратишдек кўклам юмушларига енг шимариб киришганлар.

— Жамоамизда қирқ киши меҳнат қилади, — дейди Дўстлик тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Эргаш Ропиев. — Биз жорий йилнинг ҳамал ойида 150 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 180 минг дона турфа хил гул қаламчалари ўтқазишни режалаштирганмиз. Ҳозиргача туманнинг турли жойларида 16 гектардан ортиқ янги боғлар, 4,3 гектарлик гулзор барпо этдик.

Жиззах шаҳрида ҳам катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига киришилган. Хусусан, шаҳар марказидан ўтган 1,5 километр узунликдаги автомобиль йўли халқаро андозалар асосида қайта қурилмоқда. Йўлнинг ҳар иккала томони 1,5 метрдан кенгайтирилиб, ён-атрофлари ободонлаштирилиши кўзда тутилган.

Вилоят миқёсида авж олиб кетган «Наврўз — умумхалқ ҳашари»да ҳар куни 370-410 минг киши иштирок этаяпти. Қишлоғини, маҳалласини, шаҳрини, юртини обод ва файзли кўриш иштиёқи билан яшаётган кишиларнинг дилларида яшариш, яратиш завқи, бунёд этиш ҳисси жўш урмоқда.

Буни қарангки, айни ҳамал чоғида умрининг тўқсонинчи баҳорини қаршилаётган Дўстлик туманидаги Анбар Ярабековнинг ҳам уйда ўтиргиси келмай қолди ва қалби боғу роғларни қўмсай бошлади. У қўлига ток қайчини олди-ю, невараси Шоҳида билан дарахт ва гулларга сероб боғ томон шошилди ҳамда гуллару дов-дарахтлар парваришида нималарга эътибор бериш бўйича билганларини унга ўргатишга киришиб кетди...

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**